



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2024

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлоқ
хужалиғини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далам педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


Page Maker | Верстка | Са, ифаловчи: @tadqiqotdesign

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Чу Бей Бей ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА МАДАНИЙ-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЎРНИ.....	4
2. Yoo In Young ILK O'RTA ASRLARDA MARKAZIY OSIYO XALQLARINING SILLA QIROLLIGI BILAN IQTISODIY VA MADANIY ALOQALARI.....	9
3. Umurzok Alibekov USTRUSHONA DEHQONCHILIK MADANIYATI TADRIJIY TARAQQIYOTIDA ARXAIK DEHQONCHILIK AN'ANALARINING O'RNI.....	14
4. Нилуфар Джураева ЖАДИДЧИЛИК: МИЛЛИЙ МАОРИФ ТИЗИМИГА АЁЛЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ МАСАЛАСИ.....	23
5. Обиджан Мадаминов ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО ИМИЖИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАСАЛАСИ.....	31
6. Моҳира Матназарова ҚАДИМГИ ХОРАЗМ КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ ҲУДУДИЙ ЖОЙЛАШУВИ МАСАЛАЛАРИ.....	36
7. Сапарбой Наврузов АКАДЕМИК РАССОМ ДМИТРИЕВ КАВКАЗСКИЙНИНГ ХИВА ТААССУРОТЛАРИ.....	41
8. Ismoil Nurmetov XX ASRNING 20-30 YILLARIDA O'ZBEKISTONDA HUQUQ-TARTIBOT ORGANLARI FAOLIYATI (Xorazm viloyati misolida).....	50
9. Севара Пулатова МАДАНИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА.....	56
10. Sardor Umarov BIRLASHGAN GERMANIYA: IJTIMOIY-IQTISODIY MUAMMOLAR.....	62
11. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ СЎҒДНИНГ МИНТАҚАВИЙ МИГРАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	69
12. Одил Эргашев ҚОПЧИҒОЙ УСТАХОНАСИ МУСТЪЕ ДАВРИ КОМПЛЕКСИНИНГ МАДАНИЙ-ДАВРИЙ ХОСЛИГИ ҲАҚИДА.....	76



Сапарбой Наврузов,
Урганч давлат университети доценти
Урганч, Хоразм, Ўзбекистон
saparbay@urdu.uz

**АКАДЕМИК РАССОМ ДМИТРИЕВ КАВКАЗСКИЙНИНГ
ХИВА ТААССУРОТЛАРИ**

For citation: Saparbay Navruzov. IMPRESSION OF ACADEMICIAN AND ARTIST DMITRIEV KAVKAZSKY IN KHIVA. Look to the past. 2024, vol. 7, issue 2, pp.41-49

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10643343>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Россия император бадий академияси аъзоси, рассом Лев Евграфович Дмитриев Кавказскийнинг XIX аср охирида Хива хонлигига уюштирган ижодий саёхати юзасидан фикр юритилади.

Петербурглик академик рассом, гравюрист, Лев Евграфович Дмитриев Кавказский ўзига суҳбатдош бўлган Хива ҳукмдори Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон II ни чуқур ҳаёлга чўмган, жиддий қиёфада, мамлакат осойишталиги посбони сифатида, амалдор Матмурод девонбегини эса, Хива феодал монархияси механизмидаги ошиқча винт мисли, кўринишидан писмиқ, ички олами мавҳум қиёфасига бадий чизгилар қилганди.

Калит сўзлар: гравюрачи рассом, Чаржўй, Хива, Хонқа, Петро-александровск, Хива хони, девонбеги, Амударё, темир кўприк, ҳовли жой, чодир-ўтов.

Сапарбой Наврузов,

Доцент Ургенчского государственного университета
Ургенч, Хорезм, Узбекистан
saparbay@urdu.uz

**ВПЕЧАТЛЕНИЕ АКАДЕМИКА И ХУДОЖНИКА ДМИТРИЕВА
КАВКАЗСКОГО В ХИВЕ**

АННОТАЦИЯ

В статье речь идёт о творческой путешествии гравюриста художника, члена Российской Императорской академии Льва Евграфовича Дмитриева Кавказского в Хиву конца XIX века.

Петербургский академический художник, гравёр Лев Евграфович Дмитриев Кавказский глубоко представлял собеседника хивинского правителя Саида Мухаммада Рахима Бахадурхана II, с серьёзным лицом, хранителем спокойствия в стране, а чиновника Матмурада Девонбеги – винтиком в механизме феодальной монархии Хивы, внешне пессимистичная, внутренняя, сделанная художественными линиями на абстрактном образе мира.

Ключевые слова: Художник гравюрист, Чарджуй, Хива, Ханки, Петро-александровск, Хивинский хан, диванбеги, река Амударья, железнодорожный мост, дом усадьба, кибитка.

Saparbay Navruzov,
Associate Professor at Urgench State University
Urgench, Khorezm, Uzbekistan
saparbay@urdu.uz

IMPRESSION OF ACADEMICIAN AND ARTIST DMITRIEV KAVKAZSKY IN KHIVA

ABSTRACT

The article discusses the artistic journey of the artist Lev Yevgrafovich Dmitriev Kavkazsky, a member of the Russian Imperial Academy of Arts, to Khiva Khanate at the end of the 19th century.

St. Petersburg academic artist, engraver Lev Evgrafovich Dmitriev Kavkazsky deeply represented the interlocutor of the Khiva ruler Said Muhammad Rahim Bahadurkhan II, with a serious face, the keeper of calm in the country, and the official Matmurad Devonbegi - a cog in the mechanism of the feudal monarchy of Khiva, outwardly pessimistic, internal, made with artistic lines on abstract image of the world.

Index Terms: Artist engraver, Chardzhuy, Khiva, Khanka, Petro-alexandrovsk, The Khan of Khiva, divanbegi, Amu Darya river, railway bridge, estate house, wagon.

1. Долзарблиги:

Кеч куз, 1887 йил 25 октябр тонгида Хива томон сафарга отланган турли касбдаги йуловчилар, қайиқларда бир неча кун давомида, Жайхуннинг ташвишли ва таҳликали тўлқинлари билан олишганча 16 ноябрдагина рус ҳарбий қўрғони Петро Александровск пристанига келиб тўхтади. Дарҳақиқат, бу галги йўловчилар Хивадаги рус конторалари хизматчилари эмас балки, Амударёда сув йўли қатновини йўлга қўйиш билан боғлиқ мутахассислар; инженер, техник ва ишчилар эди.

Чаржўйдан келган бу йўловчилар дарё узра сув оқими бўйлаб 600 вёрст масофани сузиб ўтишган. Сафар давомида мутахассислар дарё қирғоқларининг йиқилиб ўпирилиши, тўлқинлар ҳаракати, ҳажми ва уларнинг кенглигини аниқ равишда ўлчаш билан шуғулланишган. Аслида экипаж аъзолари Амударёда илмий тадқиқот қилувчи гуруҳ бўлиб, унинг раҳбари ҳарбий инженер капитан Кольцов эди. Бу инженерлик экспедициясининг натижаси хонлик иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйновчи, янги транспорт тизими бўлмиш Амударё флотилиясига йўл очарди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

1887 йил 25 октябр тонгида Хива томон сафарга отланган йуловчилар орасида бўлган Петербурглик рассом Лев Евграфович Дмитрий Кавказскийнинг Хивага ташрифини ёритиш мобайнида тизимли ва хронологик таҳлил, тарихийлик ҳамда объективлик усуллари билан фойдаланилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Дарҳақиқат, ушбу йўловчилар орасида Петербурглик рассом Лев Евграфович Дмитрий Кавказский ҳам бор эди [1. 6.57]. У император бадий академияси аъзоси бўлиб, фамилиясига ўзга рассомлардан фарқ қилиш учун “Кавказлик Арслон” лақабини қўшиб олган. У Кавказда туғилиб, Ставрополь шаҳар гимназиясини тугатгач, Петербург бадий академиясида таҳсил олган. Талабалик даврида иккита кумуш медаль ва “Кавказ стипендияси” соҳиби сифатида олий даргоҳни битказди. Ҳаётини бадий ижодга бағишлаган Лев Евграфович 1878 йили “Биринчи Даражали Рассом” сифатида 1882 йилда, император бадий академияси аъзолигига сайланди. Рассом ижод билан шуғулланаркан, Кавказ ва Кавказортига ижодий саёҳатлар қилди. Айниқса, рассом ҳаётида унинг 1887 йил ёзида

Закаспий ва Ўрта Осиёга қилган саёхати натижалари ижодий фаолиятига беқиёс илҳом берганди. Шарқона турмуш тарзига доир бой ва ранг-баранг материаллар йиғилди.

Петро Александровскда меҳмонни шахсан Амударё бўлими бошлиғи, генерал майор К.О. Разгонов кутиб олди. Мезбон сифатида сий-иззат кўрсатиб меҳмондорчилик қилгач, Хива ҳукмдори ва Матмурод девонбеги номига ишонч хатларини бериб, йўлга кузатиб қўйди. Мусаввир ўз эсдаликларида кўрсатишича, “4 декабр 1887 йил, кун пешиндан оққач, дарёнинг сўл қирғоғига ўтиб олдик, Хива томон йўлга чиқдим. Ёнимда тилмоч ҳамроҳим козоқ йигити бор эди. Куннинг иккинчи ярмида, чамаси соат 4 ларга яқин Ҳонқа қалъасига кириб келдик. Йўл бўйлаб кузатарканмиз бу худудда деярли эътиборга лойиқ бирон нарса кўзга ташланмасди. Кўрганларим эса, ўхшаш ва бир хил манзара эди.

Биз Ҳонқа хокими Аминбой ҳожи Муҳаммад ўғли ҳовлисида тўхтадик. У Хивада ҳатто Сарой доирасида ҳам катта обрўга эга. Аминбой ҳожи рус босқини арафасида Хива қарвонига бошчилик қилиб, Ҳиндистонга элчи сифатида бориб Инглизлар билан бўлган музокараларда русларга қарши келишувларга эришаолмай қайтиб келганди [2].

Ҳонқада бизни, илиқ кутиб олишди. Бек ҳовлисида туташ жойлашган “меҳмонхона” аталмиш “Чодир”га жойлашдик. Ўртада ўчоққа ўт ёқилди. Исикқина чой ичиб, сал-пал кизиниб, ўзимизга келгандик, кўринишдан оддийгина кийинган бек кириб келди. У хушбичим, 45 ёшлар чамасида эди. Бек мен билан учрашаркан, уст бошимга, кийимларимга бокқанда, негадир назарида соддалик, оддийлик ҳис қилдим. Биз у киши билан мириқиб суҳбатлашдик. Таржимон ҳамроҳим, унинг ҳамма гап-сўзларини бемалол содда, равон тилда етказганди. Суҳбат анча қизиқ кечди. Дастурхонни яна янги ейимликлар, ширинликлар билан тўлдиришди. Гўшт, қози ва шўрва ҳамда маҳаллий узма қурдик еб кечки тушликни ўтказдик.

Кечкурун соат 7 лар чамаси бек биз билан “бугунча!”, дея хайрлашиб чиқиб кетди. Ҳамроҳим иккаламиз чойхўрликни яна бироз давом қилдирдик. Ўтовда уйкуга ётарканмиз, гиламлар устида ўраниб ётсақда, тонгга яқин анча совқатдик. Қаттиқ чарчоқ туфайли котиб ухлаган эканмиз, эрталаб бизни тонгги уйқудан совуқ шамолнинг шинглаган саси уйғотди.

Эрталаб тонгга ҳам, ташқарида об ҳаво анча совуқ эди. Чодирда ўт ёқилгач хонага сал-пал илиқлик юрди. Нонуштага эндигина қўл урувдик, бек ўзининг кенжатоғи билан кириб келди. Болакай жуда ёқимтой экан, уни кўришим биланок негадир уни қувонтиришга уриндим. Совға сифатида ҳамёнимдаги катта форсий кумуш тангани берарканман, бек жаноблари ҳадямни боланинг бошидаги таҳёсига қадаб қўйди. Дастурхонга нонушта учун яхна гўшт ва илиққина қаймоқ тортишди. Қаймоқни ёқтиришим туфайли тозагина экан, анча еб қўйдим. Бекка меҳмондорчилиги учун миннатдорчилик сифатида истакларимни изҳор қилаётгандим, у идишдан бармоғига қаймоқ илдириб оғзимга тиқиб солди. Ҳаёлламасдан қолганча бек таклифига мойил ҳолда оғзимдаги қаймоқни ноилож ютишга мажбур бўлдим.

Яна устига устак, мезбон меҳмондорчилиги эвазига ювилмаган бармоқларининг оғзим ичида ўйнашига миннатдорчилик билдиришим лозим эди. Ҳонқа бегининг меҳмондўстлигидаги ортиқча ва ошиқча “саховатини фикран сингдира олмаган ҳолда чамаси соат 9 ларда Хива томон йўлга чиқдик”, деб ёзганди сайёҳ. Йўл саргузаштларини куйидагича таърифлайди, “Хивага яқинлашарканмиз, йўлимизда кўплаб теракзор, маҳаллий гужумлару, боғ-роғлар учрарди. Йўлнинг ўнг томонида катта уйга кўзимиз тушди. Теварак атрофи девор билан ўралган катта боғли бу уй хон хазратларининг кичик иниси Отажон тўранинг ҳовлиси эди”. Йўловчилар кузнинг изғирин шамолли совуғига қарамасдан Ҳонқа қалъасидан пойтахт остонасигача бўлган масофани илдамлик билан ўтиб, пешин соат 2 ларга яқин Хива дарвозасига келиб қолишди. Қадимий бу қалъада сайёҳ турли хил манзараларга боқаркан, назарида “Хива нақадар жозибали кўринса ҳам, лекин қаровсиз, ифлосланган, ачинарли аҳволдаги уй-жойлар, эски-туски, лаш-лушлар каби кўринаётган бинолар, нафис кошин ила безатилган миноралар ҳам, ўз-ўзини кўз-кўз қилиб тургани ҳолда, уларнинг мутлақо таъмир-талаблиги, бирон кишини ташвишлантормасди”. Хивада чорвадор кўчманчиларнинг тураржойи бўлмиш (чодир) ўтов кузатувчи назарида анойи бир ҳолат намоён қиларди. Деярли ҳар-бир ҳовлида пахса лойдан қурилган иморат олдида чодир ўрнатилган бўлиб,

мулкдор хўжаликни эса, бежиримлиги, хилмахил безалиши билан ажралиб турарди. Чорвадор туркман турмуш тарзининг узоқ ўтмиш ёдгорлигидан нишона мисли сақланаётган чодир ўтовдан ўтроқ шаҳар ҳаётига кўниккан аҳолининг на қашшоқ ва на мулкдор тоифаси хали-бери узоқлашмаса керак! [1. б.72].

Ниҳоят шаҳарнинг тор кўчаларию, ўнқир-чўнқир йўллари кесиб ўтган йўловчилар, Матмурод девонбегининг ҳовлисига кириб келдилар. Йўловчилар Хивада Генерал К Разгонов йўлланмасига кўра аввало Матмурод девонбеги билан учрашиш лозим эди. Меҳмонлар учун девонбегининг ҳовлисида алоҳида хона ажратилганди. Дмитриев-Кавказскийнинг эслашича, “отдан зўрға туша олдим холос, ўзимни мутлақо бошқара олмайдиган аҳволда эдим. Ичкари хонага киришим биланок, тўшалган гиламларга чўзилганча ёстикқа бош кўйдим. Сал-пал ётиб ухлаб ўзимга келдим”.

Петербурглик меҳмон ўзига ажратилган хона ва унинг аҳволига кўз ташларкан, европалик зодагонлар назарича “меҳмонхонада ҳеч қандай мебел кўринмас; фақатгина тўшалган гиламлару, ёстиклар ҳамда ўт ёқилиб турган ўчоқдан бошқа бирон нарса йўк” эди.

Ниҳоят, кечки соат 9 ларда девонбеги кириб келди. У анча ёшларга бориб қолган, лекин хушбичим, рус тилида гаплаша оларди. Биз билан бироз суҳбатлашгач, ўз ошпазларидан бирини чақириб, меҳмон ихтиёрида бўлиб, хизмат қилишини тайинлади. Сўнгра мени ўз хонасига таклиф қилди.

“Девонбеги хонаси назаримда европача услубга мослашган холда, устар ва курсилар, миттигина ошхона соати, ойна ва чироқ кўйилганди. Бу иккала хона ҳам лампа шиша билан ёритиларди. Айни дамда хўжайин уйга яна бир меҳмонни чақиртирди. У киши бадавлат савдогар бўлиб, семиз бўлса ҳам жуссаси келишган, ёқимтой эди. Кечкурунга зиёфат уюштирилди. “Кичкина хонада диванда оёқларимизни узатиб ўтирар эканмиз, тамаки солинган чилимни дастёр бола ҳар биримизга 5-10 минут сайин чектириб турди. Лекин, ҳамма учун оғизга тортиладиган мунштук битта эканлиги ғашимни келтирди”, - деб ёзганди сайёх. Кўшни хонада уч нафар созанда асбоблари билан томоша кўрсатишга шай турарди. Ашулачи ҳофиз кучли ва ёқимли овоз билан, кўзларини юмганча ғамли оҳангда куйларди. Хонанда кўшиғини тугатиб-тугатмас, девонбеги жаноблари ниҳоятда фахр ила қувонч билан ашулачи санъатини мақтай кетди.

Мезбон фикрини қўллаб-қувватларканман, ҳис-ҳаяжонимни яширмадим. Мен ҳам мактовга кўшилдим, унинг санъатидан завқланарканман, ҳақиқатан ҳам унинг овози, куйи қалбимни тўлқинлантирганди. Шу боис мен ҳам ёқимли овози учун хонандани мақтадим. Ҳис-ҳаяжондан рағбат олди шекилли, девонбеги жаноблари ҳақиқатан ҳам Хивада машҳур бастакор, менинг котибим”, - дея бизни таништирди. Зиёфатда базм, томоша авжига чиқди. Торли асбоблардан куйлар чертилди.

Ўйин оҳангидаги рақсга 13-14 яшарлик 3 нафар ўғил бола ўйнади. Рақсчилар ҳаракати секин бошланиб, уларнинг қўл, оёқлари ва гавда ҳаракати тезлашиб борди. Бармоқлар ҳаракати гавда ҳаракатларини тўлдиргандай эди. Дастлаб оёқлар, сўнгра кўллар тез-тез ҳаракатланарди. Ўйин охирида қолганда болалар ҳаракати кўз илғамас даражада тезлашди. Зиёфат охирида, ўртага баланд бўйли, семиз, катта ёшлардаги масҳарабоз чиқди. Унинг чиқишида кулгили ҳажвий ҳаракатлар ифодаланди. Меҳмонга санъаткорнинг ичак узди ҳажвлари ёқиб тушди. Шу боисдан ҳам меҳмон кўшиқчига қобилиятини синаш мақсадида бўлса керак “Рус аскарлари қандай кўшиқлар айтади?”, дея савол кўйди. Жавобни эшитгач, меҳмон ҳайратда қолди. “Нуткида уч-тўрт русча сўзни ишлатаркан, гўё бутун кўшиқни ҳис қилгандай аскар характерини ифодалай олганди. Кузатувчи назарида икки нафар аскарнинг русча сўзини санъаткорона тасвирланганди” [1. б.73].

Зиёфат сўнглаб қолганда Матмурод девонбеги мени огоҳлантираркан “эртага саройга бирга борамиз, бугун дам олинг”, дея чиқиб кетди. Эртаси кун пешиндан оққач девонбеги меҳмонни саройга олиб кетди. Петербурглик меҳмон хивадаги илк таассуротларини эсларкан: “отларга ўтириб пойтахтнинг тор кўчаларидан юриб сарой томон борарканмиз, кўчада ҳар бир учраган киши ҳурмат-этибор билан Матмурод девонбегига таъзим қилиши, гўё давлат арбобига ўз ички ҳиссиётини ифода қилгандай”, эди. Ниҳоят, йўловчилар саройга

келиб қолишди. Меҳмон назарида “хукмдорнинг саройи Хивадаги бошқа иморатлардан деярли фарқ қилмасди”. Отлиқлар йўлда учраган биринчи ҳовлини кечиб, манзилга етиб келишди.

Булар кириб келган ҳовли оддийгина кўринсада, ичкараси кигиз билан тўшалганди. Лекин бу “оддийгина бино”да хукмдор қабулини кутиб ўтирган, қимматбаҳо зар тўнлардаги қора қирпиқ телпақли қиёфалар, сарой мулозимлари эди. Салтанат муҳитида ўзини ёт ҳис қилган рассом янги сарпода эмаслигига ачинганди. Шу алфозда орага очиқлик киритиш зарурга ўхшайди.

Балки рассом, Пойтахтдан жанубга, ёзи иссиқ, совуғи қаттиқ Туркистон сафарига отланаркан, қадимий Хивада ҳатто мамлакат хукмдори саройида бўлишини гумон ҳам қилмагандир. Шунинг учун ҳам сайёҳ нафақат сафарда, ҳатто Хива хукмдори Сайид Муҳаммад Раҳим II Ферузхон билан учрашувдаги ауденцияда ҳам одатдаги кундалик кийимларида қолишга мажбур эди. Шунини Таъкидлаш зарур, хон қабулида кутувчилар сафида навбатда ўтирган хорижий меҳмонга етарлича қизиқиш ва эътибор кўрсатилганди. Хукмдор қабулидаги манзара сайёҳ учун қизиқарли кечди. Қабул хонасида кутувчиларнинг ҳар бирига чилим чектиришди. Сайёҳ баъзи амалдорларнинг қилмишларини ўзича “ажойиб одат, амалдорлар учун олий даражадаги “аристократизм” дея баҳолаганди. Жумладан, катта амалдорлардан бирисига хизматкор бисёр чилимни таклиф қилиб, кўлига тутқазганида у киши ўзи чекмасдан фақат оғзини очиб қараб турди. Шу пайт бисёр чилимни ўзи сўриб, тутунини амалдор оғзига юборди”. Бундай одатий ҳол деярлик, ҳар 3-4 дақиқада такрорланди. Рассом ўзича бу ҳолатни баҳоларкан, ана буниси маҳаллий “аристократизм”, “барин” иши” деб қўя қолганди.

ФЕРУЗХОН ҚАБУЛИДА

Петербурглик меҳмонни қабулхонада кўп куттиришмади. Сарой мулозими тезда уни ичкарига таклиф қилди. Қабул ауденцияси қуйидагича ўтганди: “Бизни хон хазратлари ҳузурига киритишди. Салтанат хукмдори катта айвонда қирмизи гиламда ўтирганди. Қабулхона эни ва узунасига катта ҳажмда бўлмаса-да, таъмир талаблиги яққол кўриниб турарди”.

“Девор ва тепаси (патик) қачонлардир зангори ранг берилганлиги боис, ўчган кўринади. Деворларнинг ҳам у ер, бу ерида девор парчалари кўчганди. Мен ҳам хон хазратлари олдида девонбеги ва таржимон ҳамроҳлигида кирдим. Хукмдор ҳузурда Девонбеги ва таржимон букилиб таъзим қилиб саломлашишди ва тикка туришди. Мен эса, хукмдорнинг табассум ила кўлини узатиб таклиф ҳаракати билан унга яқинлашгач, гиламда ўтиришга таклиф қилди. Дарҳол жовонимдаги Разгоновнинг ишонч хатини жаноби олийларига тутқаздим. Хон хазратлари хатни ўқиб бўлгач, қандай қилиб, қайси йўллар билан Петербургдан келганимни суриштирди.

Айниқса, Закаспий темир йўли жаноби олийларини қизиқтирганди. Турли хил саволлар қўйиб, Хивадан Петербургга бориш йўлларини билишга уринди. Сухбат чоғида Закаспий ва Кавказ орқали Петербургга бориш истагини билдираркан, Хива шаҳрини кўриб танишишимга ижозат қилдилар. Учрашувни яқунлар эканмиз, Хон хазратлари орқага қайтишимдан олдин яна бир бор ҳузурга киришимни сўради. Табассум билан кўлини узатиб хайрлашгач, саройдан чиқиб кетдик”, деб эслайди сайёҳ. Петербурглик сайёҳ мусаввир сифатида хукмдор Сайид Муҳаммад Раҳимхон қиёфасига қилган чизғиларида “Хон кўринишидан хуш сурат кўринмасада, доно ва хафақон жиддий ифодаси қоп-қора соқол билан ўралган чехрасига мос тушарди. Ўзаро сухбат чоғида юзи бироз жонланаркан, янада ёқимтой кўринарди. Зеро, хукмдор ёнида бир томонда боғлама қоғозлар ва сиёҳдон бўлса, бошқа томонда генерал Кауфман совғаси кумуш ва тилло ранг берилган Кавказ ханжари турганди. Хон хазратлари Туркистон губернатори совғасини ҳар доим ўзи билан бирга олиб юрган!!

Ниҳоят шундай тарзда Хива хони билан Петербурглик рассом ўртасидаги ауденцияга яқун ясалди. “Хон қабулидан қайтиб чиқарканмиз”, – деб ёзади сайёҳ, - қабулхона рўпарасидаги ҳовлини айланиб ўтгач, сарой девори олдида каттагина, лекин ғиштдан

курилиб, сомон лой билан шувокланган пастаккина айвонга кўзи тушди. Бу жойда хон ҳафтанинг маълум кунлари аҳолини қабул қилиб, талаб илтимосларигача тинглаб, шу куни эл-юртнинг оддий чўпони учун ҳам марҳамат кўрсатиб саховат бажо қилган”. “Ҳовлига кираётган пайтда, - деб эслайди сайёҳ “қўлларида мевалару ноз нематларга тўлдирилган савату, мис лаганларда, ширинликлар, патир, кулча нон ва ёғли қатлама кўтарган оддий кишиларни учратдим”. Девонбеги сўзларига қараганда бу кишилар хон ҳазратларига турли совғалар келтиришган”. “Эртаси куни олдимга жаноб Барановский кириб келди. У Хивада яшайдиган ягона рус миллатига мансуб киши бўлиб, деярли барчага танилиб қолганди. Хива рус мактаби ўқитувчиси 55 ёшлик, кийиниши ва ташқи кўринишидан оддий хиваликка ўхшаш, маҳаллий тилни анча ўзлаштирган. Олдин у киши ҳарбийда штаб котиби лавозимида хизмат қилган. “Барановский мен билан суҳбат чоғи ўзи дарс берадиган мактабни бориб кўришни таклиф қилди. Биз унга эргашиб, 2-3 кўчани ўтгач, йўлда Хива ҳақида бироз кизиқарли суҳбатларини эшитиб манзилга етиб келдик”.

Қаршимиздаги ўмраб, деярли зўрага турган эски, нотурар иморат рус-хива тузем мактаби эди. Мактаб Хивада давлат арбоби, Паҳлавон Мирзо боши Комил Хоразмий ташаббуси билан 1884 йилда ташкил қилинди [3. б.9]. Дастлаб мактабга Петроалександровскдаги рус-тузем мактабидан ўқитувчи Н.С. Сазонтов дарс беришга таклиф қилинган. “Биз синф хонаси эшигини очишимиз биланоқ, деярли бўм-бўш деворда осиглиқ жўғрофик харита, бир неча китоблар хонанинг ягона инвентари эди. Синф хонасида ўқитувчи учун ясалган оддий устарда сиёҳдон ва икки жуфт ўтиргич курси мактабни эслатувчи асбоблар эди. Кўшни хонада кўрпа-тўшаклар уюмига кўзимиз тушди. Бу ер ётоқхона эди. Мактабда 11 нафар ўқувчи бўлиб, улар 11-13 ёшлардаги болалар эди. Биз кўрганда улар билан мусулмон ўқитувчи шуғулланаётганди. Мен бу ўқувчи болаларга яқинлашарканман, гўё кўрсатма бергандай бир варақайига ҳаммаси ўрнидан туриб таъзим қилиб, ёппасига хор тарзида саломлашишди. Мен мулла ўқитувчини болалар ўзларини эркин тутишларига ундадим. Улар шу заҳоти бизни ўраб олишди. Қўзлари бизга эркин ҳолатда боқарди. Уларни синфга киришга ундагач, билимларини аниқлаш мақсадида қўйган саволларимга эркин ҳолатда аниқ жавоблар беришди. Болаларнинг ҳеч бири рус тилини билмаса ҳам, китобни яхши ўқир, баъзилари русча ёза биларди. Ҳатто тўрт амални бажариб, арифметик вазифаларни еча оларди. Тўғриси, бу ўқувчилар менда илиқ таассурот қолдирганди”.

Хивада рус-тузем мактаби эндигина бир йил фаолият кўрсатишига қарамасдан, ҳайратланарли даражадаги муваффақиятларга эришганди. Бу ўқувчилар Хива хони ҳукми билан мактабга тортилган. Лекин етим бачалар эди. Синфдан чиқар эканман, болаларнинг қувноқ шодон гуруҳи ўрамида қолиб кетдим. Уларнинг ҳар бири менга ўзини яқин тутишни истаркан, ҳатто қўллари билан кийимларимга тегинарди”. Ширинликлар олиб бериш учун ўқитувчисига пул берганимда, саховатим туфайли болаларнинг шодлиги мени тасаввур қилолмайдиган ҳолатга туширди. Мактабдан чиқишим биланоқ, хон ҳазратлари ҳузурига йўл олдим. У киши менинг мактаб ҳақидаги таассуротларим билан қизикди. Хивадаги бу кичик маданий-маърифий даргоҳнинг келажақдаги аҳамияти юзасидан фикр билдирарканман, у зот миннатдорчилик билдирди. Мактабни яна ҳам ихлосманд болалар билан тўлдириш зарурлигини айтганимда ўз амалдорларининг фарзандларини тортмоқчи эканлигини айтди. Мактабни кузатишим сарой аҳли учун қутилмаган қувончли янгилик сифатида қабул қилинди.

Чунончи, эртаси куни болалар хон кўрсатмаси билан 3 кун дарс машғулотларидан озод қилиниб, ҳар бир талаба ва муаллимлар хон ҳазратларидан тухфа сифатида биттадан тўн ва пўстин олишди. Дарҳақиқат, шу куни кечқурун Матмурод девонбегининг ўғли бизни меҳмонга чақирди. Меҳмонхона аталмиш чодирга кирарканман у ерда беш киши ўтирганди. Чодирнинг ичи тўлалигича гилам билан тўшалган. Устар устида рус самовари шиғиллаб кизиётган, атрофда шинни солинган банка қутилари ҳамда рус пазандачилик идишлари бетартиб ҳолатда ётарди. Кузатарканман, меҳмонлар 20-22 ёшлардаги йигитлар эди. Зиёфатдошлар суҳбати қизиди. Савол-жавоблар, ўйинқироқ ва қизиқарли ҳикоялар даврага

хушчақчақлик бахш этарди. Айни пайтда хонага бизни ўз санъати билан хайратлантирган хушовоз кўшиқчи Матмурод девонбегининг “котиби” кириб келди. У киши зиёфат чоғида мендан Россия лўлилари мумтоз кўшиқларининг машхур ашулачиси Вера Зорина ҳақида сўраб, мени тинч кўймасдан кўпроқ нарса билишни истарди.

Сухбатдошим фикрларидан англадимки, Вера Зоринанинг ихлосманди сифатида санъатидан хайратда эканлиги сезиларди. У Москва ва Петербургда 1883 йил 15 май куни подшо Александр III нинг тож кийиш маросимларида Хива хонлиги вакиллари сифатида иштирок қилган. Рус операси лўли романслари мохир ижрочиси Вера Васильевна Зорина ҳақиқаттан ҳам операда лўлилар йўналиши асосчиси ҳисобланарди. Хатто XIX аср охирида рус санъатида танқидчилар В. Зорина ижодини Вена операсидан ҳам юқори баҳолашган. Шу боис санъаткор “рус опера театри юлдузи” [4. б.19] деб қаралган.

Байрам тантаналарида император Александр III жаноби олийларига Хива хонининг азиз совғаси сифатида ҳадя қилинган эгар жабдуқлар ва сувлиги тилло ва қиммат баҳо тошлардан ясаб безатилган тўрт нафар ахал така отлари сарой айъёнларининг эътиборига кўз-кўз қилинганди. Шунингдек император жаноби олийларига совға сифатида силовсин терисидан тикилиб қиммат баҳо тошлар қадалган Хива ҳукмдорларининг бош кийими, қини тиллодан ишланган шамшир ва қиммат баҳо иккита ханжар, қуроллар совға қилинди [5. б.530].

Дарҳақиқат, петербурглик меҳмон шарафига уюштирилган зиёфат қизиқарли ва қувноқ ўтганди. Бу ҳақда сайёҳ “эртаси куни Хивага саёҳатим яқунланиши сабабли орқага қайтиш учун йўл тайёргарлигимни кўргач, қайтадан саройга кириб хон хазратлари билан хайрлашдим”, - деб ёзганди. Хива таассуротларини хаёлида жамлар экан, Лев Евграфович ўзи кўрган кечирганларини янада ойдинлаштириш, равшанроқ қилишга интилди. “Хива қалъасидаги меъморий обидалар асл ҳолатини йўқотган, вайрона кўринишда бўлиб, таъмир талаб ҳолда қоларкан, улар сотув дўкончаларига айлантирилганлиги оқибатида, иморатлар ачинарли ҳолатдадир”. Меҳмон Матмурод девонбеги билан хайрлашиб Амударё томон, Петро-Александровск кўрғони сари йўл олди. Зангори осмон тип-тиник, кун осойишта, об-хаво эса, совуқ эди. Кун пешиндан оққач, Хивадан йўлга чиққан бу икки нафар йўловчи кечқурунга келиб, қоронғуни қоралабгина Хива ва Ҳонқа оралигидаги Гўжа қишлоғига кириб келишди. Йўловчилар кечани шу қишлоқда тунашди.

Изғирин совуқ, йўлда уларнинг юз-бетларини худди муздек ялаганди. Гўжа қишлоғидаги таассуротларини сайёҳ “Биз камбағал бир хўжаликда жойлашдик, меҳмонлар учун алоҳида хона ажратишди. Лекин, бу уйда бизга ейдиган ҳеч нима топилмади. Уй эгасига пул тутқазиб ейдиган у-бу нарса топиб келишни илтимос қилгандим, бироздан сўнг гўшт, тухум, қанд ва чой олиб келишди. Хонага ўт ёқиб қизиндик. Овқатлангач олдимизга мезбоннинг кўшнилари бизни кўриш учун кела бошладилар. Мезбонлик қилган гўжаликлар билан таржимон орқали суҳбатлашдик. Кечада Хоразмча гурунг қизиди. Оддий хиваликлар хушчақчақ кишилар экан. Бунда кўк чойни қандсиз ичилиши одатий ҳолга ўхшаб кўринди. Кириб келган олти кишининг ҳар бири киссасидан тамаки чиқариб, бирин-кетин чекишди. Кечки соат 10 ларга қараб, келган гўжаликлар биз билан хайрлашиб чиқиб кетишди. Лекин тунги уйқум хотиржам, осойишта кечмади. Хонадаги турли ҳашаротлар гоҳ у еримни, гоҳ бу еримни чақиб уйқу бермасди. Бунинг устига кечаси хона анча совиди. Шу боис тонгги соат 5 ларда уйғондик. Эрталаб нонуштани қилибоқ йўлга отландик. Уй эгасининг саховати ва меҳмон дўстлиги бизни хайратлантирганди. Қадрдон кишисини кузатгандай биз билан хайрлашди.

Ҳонқага қалъасига кириб келарканмиз, бек билан хайрлашиш учун қисқа муддатга тўхтадик. Аминбой ҳожини овга тайёргарлик кўраётган пайтда учратдик. У ов кийими кийиб олган, елкасида милтиқ ушлаган ҳолатда эди. Шу тарзда бек билан хайрлашдик. Йўловчилар Амударё бўйига келиб, хайратда қолдилар. Чунки улар ўйлаган ҳолат эмасди, дарё музлаб қолганди. Нариги соҳилга ўтказувчи қайиқлар эса, муз туфайли ҳаракатсиз ётарди.

Соҳил бўйлаб деярли яна 30 версть тепага юридик. Ниҳоят дарёнинг нариги соҳилига чиқиш учун қулай жой топилди. Дарёдан ўтиб олган йўловчилар учун нариги томондаги “Хива сафари” яқунланганди. Петербурглик меҳмон Петро-Александровскда генерал Разгоновнинг “Шарқона” меҳмон хонасида жойлашди. Кечкурун ўзаро суҳбат давомида мезбон Чаржўйдан ҳалиям пароход ҳақида хабар йўқлигини маълум қиларкан, бир неча кун кутишни маслаҳат қилди. Ўз эсдаликларида сайёҳ бу ҳақда “об-ҳаво тинч, осмон тиниқ” лекин совук туфайли яна зерикарли кунлар бошланди.

Кутилган 5 кун ҳам ҳадемай ўтди. Разгонов Чаржўйга ўз одамларини юборишни айтиб қолди. Ниҳоят, йўловчилар 13 декабрда Петро-Александровскдан Чаржўй сари йўлга чиқишди.

Карвон таркибида 6 нафар туя ва туякаш билан Дмитриев Кавказский Чаржўйга элтиб қўйиш учун шартнома тузди. Карвон гоҳ соҳил бўйлаб, гоҳ Қорақум узра йўл босиб 23 декабр кунигина Чаржўйга етиб келди. Йўл азобида совуқдан гоҳ овқатланиш, гоҳ дам олиши гумон бўлган йўловчилар Чаржўйга кириб келаркан, босиб ўтилган йўлдаги азоблар энди хотирада қолганди. Амударё ортида эса, янги қурилатган темир йўлнинг Самарқандга тегишли қисмида қиш ўзини ҳар дақиқада эслатарди. Лекин шунга қарамасдан қурилиш ишлари шиддат билан бормоқда эди. Чаржўйда бунёд қилинган уйлар, турли иморатлар: шахсий турар жойлардан тортиб, то давлат идораларигача, меҳмонхоналар, бозор ва савдо-сотик жойлари, ҳамда ўғил болалар мактаби, ҳаммомлар ва қандолатчилик устахоналари барчаси: қузатувчи назарида “Шарқона шаҳар мажмуасини намоеъ қиларди”.

Ниҳоят, сахро-қум йўл азоби орқада қолди. Ташвишли ва таҳликали Хива сафарини яқунлаган сайёҳ иссиққина чойми ё кофега иштаҳаси юришганини ҳис қилди. Асрлар оша Буюк ипак йўли бўйлаб қатнаган карвонлар қўналғаси бўлмиш бу қалъа, шарку ғарбни боғловчи дарбанд сифатида Жайхун узра ташиладиган транзит савдо молларини ўзида жамларкан, эндиликда Рус мустамлакасининг ҳарбий кўрғони сифатида, Чаржўй шаҳри европача қиёфага кирганди”. Дарҳақиқат шуни таъкидлаш зарурки, Подшо Россиясининг Каспий орти вилоятини марказга боғловчи темир йўлни 1886 йил 30 ноябрига келиб Чаржўй шаҳрида, Амударёга боғланиши Рус марказий матбуотида ҳақиқий “Рус мўжизаси “ дея таърифланган. Лекин бу Темир йўл магистрали Россиянинг марказидан ажралиб қолганди. Айнан шу бўшлиқни инженер архитектор Г. Бачинскийнинг “ахлоқона” деб номланган инженерлик ғояси Жайхуннинг икки қирғоғини боғловчи темир йўл учун “ёғоч кўприги лойихаси”, мисли мўжиза сифатида қабул қилинди. Генерал Анненков тасдиқлаган лойихада 1886 йил 23 августда дарё сув ости асослари таъмирлангач, деярли тўрт ой ичида қуриб битказиб темир йўл изига боғлаб қўйилди [6].

Айниқса, 1888 йилнинг 6 январида Чаржўй ва чаржўйликлар дабдабали ва кизикарли байрам тантаналарига илк бор гувоҳ бўлишди. Шу кун бутпараст православларнинг чўқинтириш байрами Жайхун узра қурилган темир йўл кўпригининг очилиш маросимига тўғри келди. Хива сафари хотираларини янги саргузаштлар билан бойитар экан: Сайёҳ Чаржўйда кўрган кечирганларини “Православларнинг чўқинтириш одати байрам сифатида бутун Русда нишонланади. Бугун мусулмон Чоржўйи ҳам ўзининг европача қиёфаси узра қўшалок тадбирларни намоеъ қиляпти. Жайхуннинг сўл қирғоғи узра кемада супа ясатилиб унга гумбазсимон шаклда Георгий ордени лентасида хоч тасвирига қалқон ёпиштирилди. Айнан шу супада дарёга чўмилиб сувдан чиққанлар чўқинтирилди. Шу тарзда Чаржўй байрам тадбирларига гувоҳлик қилди.

Байрам тантаналарида иккита ҳарбий батальон аскарлари ҳамда Чаржўй беки иштирок қилди. Чўқинтириш байрами дарё кўприги очилишига боғланиб кетди. Кўприкдан илк бор ўтган поезд давлат байроқлари билан безатилган эди. Илк бор йўловчилар сафида генерал М.А. Анненков, ҳарбий қурувчи инженер капитан Г. Балинскийлар иштирок қилди. Кўприк узра илк бор юрган поезд ва унинг йўловчилари ҳамда томошабинларда, кутилмаган янгилик ва имтиҳон сифатида қувончли ҳиссиёт уйғотди. Қўшалок бу шодиёна туфайли генерал Анненков нонушта зиёфати уюштирди.

4. Хулоса:

Ниҳоят, 1888 йил 17 январидан бошлаб поезд локомотивлари Чаржўй кўприги орқали Бухоро-Самарқанд темир йўли қурилиши учун марказдан Закаспий темир йўли орқали рельслар, шағалтош, ёғоч, тахта ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаб турди. Хотима сифатида шуни таъкидлаш зарурки, Петербурглик академик рассом, гравюрист, Лев Евграфович Дмитриев Кавказский ўзига суҳбатдош бўлган Хива ҳукмдори Сайид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон II ни чуқур ҳаёлга чўмган, жиддий қиёфада, мамлакат осойишталиги посбони сифатида, амалдор Матмурод девонбегини эса, Хива феодал монархияси механизмидаги ошиқча винт мисли, кўринишидан писмиқ, ички олами мавҳум қиёфасига бадий чизғилар қилганди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Дмитриев Кавказский Л.Е. По Средней Азии. Записки художника. Спб., 1894 (Dmitriev Kavkazsky L.E. Across Central Asia. Notes of the artist St. Petersburg, 1894.)
2. А. Кун Туркестанские ведомости №32. М. 1873 (А. Kun Turkestan Gazette No. 32. M. 1873)
3. Белялов Г.М. Хоразмда халқ маорифи тараққийси . Тошкент 1966, Б. 9 (Belyalov G.M. Progress of public education in Khorezm. Tashkent 1966, P. 9)
4. Уварова Е.Д. “Городская развлекательная культура России XVIII- XIX веков” СПб., 2000. с. 19 (Uvarova E.D. “Urban entertainment culture of Russia in the 18th-19th centuries” St. Petersburg, 2000. p. 19)
5. “Хива” 1883 № 22 с. 530 (“Khiva” 1883 No. 22 p. 530)
6. Марков Е.А. “Мост через Амударью”, “Нива” 1900. № 48 (Markov E.A. “Bridge over the Amu Darya”, “Khiva” 1900. No. 48)
7. Мулла Бекжон Рахмон ўғли., Муҳаммад Юсуф Баёний. Хоразм мусиқий тарихчаси. – Хива, 1925. (Son of Mulla Bekjon Rahmon, Muhammad Yusuf Bayani. Khorezm is musical history. - Khiva, 1925.)
8. Мирзарахимов А. Хоразмда илк нашрлар // Мозийдан садо, 2007. – №1.(Mirzarakhimov A. First editions in Khorezm // Sound from Moziy, 2007. – №1.)
9. Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. Урганч, 1992. (Qabulov N. Khorezm literary life. Urganch, 1992.)
10. Язбердиев А. Книжное дело в Средней Азии и Туркменистана (с V в до н.э. по 1917 год). Ашгабад, 1993. (Yazberdiev A. Knijnoe delo v Sredney Azii i Turkmenistana (born in 1917). Ashgabat, 1993.)



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

7 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 7, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 7, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000